

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАРТИСИПАТОР
БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ВА БЮДЖЕТНИ ЖАМОАТЧИЛИК
ФИКРИ АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА

АСОСИЙ САВОЛЛАР

Ўзбекистон Республикасида партисипатор бюджетлаштириш ва бюджетни жамоатчилик фикри асосида шакллантириш бўйича асосий саволлар. В.В.Вагин, Тошкент 2021 йил.

“Ўзбекистон Республикасида партисипатор бюджетлаштириш ва бюджетни жамоатчилик фикри асосида шакллантириш бўйича асосий саволлар” нашри “Россия ва БМТТД ҳамкорлигида билимларни бошқариш ва имкониятларни ошириш” минтақавий лойиҳа доирасида Россия Федерацияси Ҳукумати ёрдамида ва молиявий кўмагида тайёрланди.

Мазкур нашрда келтириб ўтилган фикрлар муаллифнинг фикрларини ўзида ифода этади ва БМТ, жумладан БМТТД ёки БМТга аъзо мамлакатларнинг расмий муносабатини акс эттирмайди.

БМТТД турмуш даражасини яхшилаш, тенгсизликни қисқартириш ва инклюзив жамиятни яратилишига кўмаклашган ҳолда деярли 170 мамлакат ва минтақаларда фаолият юритади. Биз ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқилишида, ҳамкорлик учун имкониятларни кенгайтиришда, институционал имкониятларни оширишда ва ривожланиш натижаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатларга кўмаклашамиз.

БМТТДнинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлиги ўзаро мақсадларга эришишга, жумладан: барқарор иқтисодий ривожланиш соҳасида ислохотларни тезлаштириш, самарали давлат бошқаруви, иқлим ўзгаришларига мослашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда Ҳукуматни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Мундарижа

I. ПАРТИСИПАТОР БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ЖАҲОНДА	4
1. Партисипатор бюджетлаштириш нима ва у нимага керак?	4
2. Қайси мамлакатларда партисипатор бюджетлаштириш энг фаол ривожлантирилмоқда?	5
3. Партисипатор бюджетлаштириш амалиётлари нимадан иборат?	5
4. Партисипатор бюджетлаштириш ва вакиллик демократияси қандай ўзаро ҳамкорлик қилади?	7
5. Нима учун фуқароларнинг иштироки ҳудудлар ривожланиш ресурсига айланиши мумкин?	8
6. Партисипатор бюджетлаштиришнинг иқтисодий самаралари нималардан иборат?	9
7. Маҳаллий бюджетнинг қандай қисми ПБ механизми орқали тақсимланади?	10
8. Фуқароларнинг партисипатор бюджетлаштиришдаги иштирок этиш механизми қандай?	11
9. Партиписатор бюджетлаштириш орқали амалга ошириш мумкин бўлган тадбирларнинг максимал қиймати қанча?	12
II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ АСОСИДА ШАКЛАНТИРИЛАДИГАН БЮДЖЕТ ДОИРАСИДА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ	13
10. Жамоатчилик фикри асосида шаклантириладиган тадбирларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари Ўзбекистон Республикасининг қайси ҳукумат ҳужжатларида белгиланган?	13
11. “Очиқ бюджет” нима? Ва бу жамоатчилик фикри асосида шаклантириладиган бюджет лойиҳалари билан қандай таққосланади?	14
12. Лойиҳаларни тақдим этиш ва амалга ошириш алгоритми қандай?	15
13. Ишчи комиссия таркибига кимлар киради?	16
14. Лойиҳа ғояси пайдо бўлган пайдан бошлаб уни амалга ошириш учун қанча вақт кетади?	16
15. Жамоатчилик фикри асосида шаклантириладиган бюджет лойиҳаларини амалга ошириш учун Интернет-платформанинг аҳамияти қандай?	17
16. Менда амалга ошириш учун лойиҳа ғояси бор. Бунинг учун нима қилишим зарур?	17
17. Овоз бериш натижаларига кўра, ғолиб деб топилган лойиҳани нима кутади?	18
18. Лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органларининг аҳамияти қандай?	18
19. Жамоатчилик фикри асосида шаклантириладиган бюджет лойиҳалари орқали қандай тадбирларни амалга ошириш мумкин?	19
20. Фуқаролар таклиф киритиши мумкин бўлган лойиҳанинг максимал қиймати қандай?	19
21. Жамоат ташкилотлари лойиҳалар бўйича ташаббус кирита оладими?	19
III. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ АСОСИДА ШАКЛАНТИРИЛАДИГАН БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАЛАРНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШДА КўМАКЛАШИШ	20
22. Лойиҳаларни ташкиллаштиришда ким ёрдам кўрсатиши мумкин?	20
23. Лойиҳани амалга ошириш имконияти тўғрисида фуқароларни қандай хабардор қилиш мумкин?	20
24. Партисипатор бюджетлаштириш тўғрисида батафсил маълумот олиш учун қандай китоблар, мақолалар, веб-сайтларни билиш керак?	21



I. ПАРТИСИПАТОР БЮДЖЕТЛАШТИРИШ ЖАҲОНДА

1

Партисипатор бюджетлаштириш нима ва у нимага керак?

Партисипатор бюджетлаштириш (ПБ) — бу маҳаллий аҳамиятдаги масалаларни бюджетни жамоатчилик фикри асосида шакллантиришга асосланган ҳолда бюджет маблағларини сарфлаш объектларини аниқлаш ва танлашда, шунингдек танланган лойиҳаларнинг амалга оширилишини бевосита фуқаролар иштирокида назорат қилиш орқали ҳал қилишнинг турли-туман амалиётлари жамламасидир.

Ҳозирги пайтда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида партисипатор бюджетлаштириш мезонларига жавоб берувчи лойиҳалар амалга оширилмоқда:

- Фуқароларнинг лойиҳаларни муҳокама қилишдаги ва уларни амалга оширишнинг барча босқичларидаги иштироки;
- Ҳокимият органлари вакилларининг лойиҳалар муҳокамасидаги иштироки;
- Муниципал ва давлат бюджетлари маблағларининг тақсимоти;
- Лойиҳаларнинг амалга оширилиши мунтазамлиги ва ҳар йили такрорланиши;
- Тадбирларнинг очиқлиги ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳақидаги оммавий ҳисобдорлик.

ПБ — ҳудудий жамоатчиликнинг, фуқаролик жамияти институтларининг ва айрим фуқароларнинг ўз аҳоли пунктларини ривожлантириш йўлларини белгилашдаги иштироки миқёсининг ўсишининг глобал тенденциянинг бир қисми ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакатда фуқароларни жалб этиш турли йўллар билан амалга оширилади, аммо ҳамма жойда **асосий мақсад фуқароларнинг бюджет маблағларини сарфлаш бўйича қарор қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этишидир**. Бу, айниқса, қабул қилинаётган қарорлар бевосита ҳудудий жамоатчиликларга алоқа бўлганида муҳимдир. Шубҳасиз, одамлар ўзларининг яшаш жойларининг аксарият муаммоларини яхши билишади ва фуқароларнинг танлови кўпинча ҳокимият қароридан кўра асосланган ҳисобланади. Афсуски, ҳокимият органлари томонидан фуқароларнинг муҳокамаси ва тасдиғисиз қарорлар қабул қилиниши кўпинча ўзаро рад этишга ва адоват кучайишига олиб келади.

Бундан ташқари, ПБ лойиҳалари бюджет харажатлари рўйхатига фуқароларни ўйлантираётган долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ лойиҳаларни тезкор киритиш имконини беради. Фуқаролар муаммоларини бюджет ва бошқарув жараёни доирасида ҳал қилишнинг анъанавий йўли уч йилдан кам бўлмаган муддатни талаб этса, партисипатор бюджетлаштиришда бу жараён деярли икки баробарга қисқаради.

2

Қайси мамлакатларда партисипатор бюджетлаштириш энг фаол ривожлантирилмоқда?

1980 йиллар охирида ПБ илк бор Бразилиядаги Порту-Алегри шаҳрида пайдо бўлди. Кейинги йилларда у аввал Бразилиянинг бошқа шаҳарларида ва Лотин Америкаси мамлакатларида фаол қўлланилган, сўнг бошқа қитъаларга ёйилган. Бугунги кунда «Hope for Democracy. 30 years of Participatory Budgeting Worldwide» китоби муаллифларининг баҳолашича, ПБ амалиётлари сони бутун дунёда 7000 дан ошади.

Аввал бошида ПБ амалиётлари асосан шаҳарларда амалга оширилган эди. ***Лотин Америкасида аксарият миллион фуқаролик шаҳарлар партисипатор бюджетлаштириш тажрибасига эга. Европада ҳам ПБ — асосан шаҳарларга хос амалиёт.*** Лиссабон, Турин, Париж, Милан, Берлин — бу ПБ лойиҳаларини амалга ошираётган шаҳарларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхати. Бир вақтнинг ўзида ***Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида ПБ асосан қишлоқ жойларига хос амалиёт ҳисобланади.***

Россия ПБни ривожлантириш борасидаги етакчилар қаторига кирди. Бюджет қарорларининг турли-туман амалиётларини бирлаштирувчи бренд сифатида Россия Федерациясида “Ташаббусли бюджетлаштириш” (ИБ) қабул қилинган эди. Ташаббусли бюджетлаштириш доирасида фуқароларнинг бюджет қарорларида иштирок этишга оид 250 дан ортиқ амалиётлар пайдо бўлди ва улар Федерациянинг деярли барча субъектларида – республикалар, ўлкалар ва вилоятларида амал қилмоқда. Биргина 2019 йилда салкам 22 мингта лойиҳа амалга оширилган. Амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 24 миллиард рублдан ошди. Россияликларнинг учдан бир қисми ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳаларининг фойдаланувчиларига айландилар.

Россияда яқин вақтгача ташаббусли бюджетлаштириш қишлоқлар, шаҳар типидagi аҳоли пунктлари ва кичик шаҳарларда жамланганди. Бироқ, кейинги йилларда бу каби лойиҳалар Санкт-Петербург, Архангельск, Красноярск, Тверь, Киров, Уфа ва бошқа шаҳарларда фаол амалга оширилмоқда.

3

Партисипатор бюджетлаштириш амалиётлари нимадан иборат?

ПБ амалиёти – бу ҳокимият органларининг маҳаллий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган ва мазкур мақсадлар учун бюджет маблағларини тўғридан-тўғри ажратиш орқали услубияти, дастури ва дизайни бўйича шунга ўхшаш бўлган фаолияти ҳисобланади. Энг кенг тарқалгани ***ҳудудий ПБ амалиётлари*** бўлиб, улар турли йўналишдаги лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутди, бунда ҳовлилар, ҳовли ҳудудлари, ҳовлилараро ва манзил-маконлараро ҳудудлар. Алоҳида ривожланиш соҳаларига қаратилган ***тематик амалиётлар*** камроқ учрайди: атроф-муҳит муҳофазаси, иқлим ўзгаришлари, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик кабилар

шулар жумласидан. Яқин вақтгача жуда кам учраган **актор амалиётлари** кейинги пайтларда тобора кўпроқ учраётгани, улар алоҳида ижтимоий гуруҳлар: ёшлар, имконияти чекланган инсонлар, мигрантлар, аёллар, кекса инсонлар ва бошқаларга қаратилган.

Турли мамлакатларда ПБ амалиётлари ўзига хос хусусиятларга эга. ПБ бўйича Италия тажрибаси Франция тажрибаси каби алоҳида муниципалитетлар ва ҳудудларда маҳаллийлаштирилган бўлиб, миллий даражада тақдим этилмаган. Тоскана (Италия) ҳудудида ПБни илгари суриш учун ноёб институционал муҳит шаклланди, қонунчилик базаси ва фуқароларни ушбу жараёндаги иштирокини жалб қилишга кўмаклашувчи махсус орган ҳам шулар жумласидан. Миланда бюджет қарорларига билимли фуқароларни жалб қилиш амалиёти жорий этилган бўлиб, бунинг натижасида янада такомиллаштирилган ва эксперт-асосли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ченду (ХХР) провинциясининг фуқароларни қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жалб қилиш борасидаги тажрибаси диққатга сазовор. Фуқаролар биргаликда жамоат фондларини ташкил этиш ва минтақавий, давлат инвестицион корпорацияларидан турли кредитлар олиш тўғрисидаги қарорларни биргаликда қабул қиладилар. ХХРда қишлоқларни иқтисодий тараққиёти инфратузилмасини шакллантириш учун ПБ методологиясининг бошқа ҳеч қайси мамлакатда ўхшаши йўқ модели шакллантирилган.

ТБ да фуқаролар лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш, пул кўринишда бўлмаган улуш (техника, жой ва материалларни тақдим қилиш), аризаларни расмийлаштириш, қурилиш, объектларни сақлашда лойиҳа ташаббускорларига ёрдам бериш орқали ижтимоий масъул бизнес иштироки ҳам кўзда тутилган.

Россияда ташаббусли бюджетлаштиришнинг энг таниқли амалиётлари мамлакатнинг турли ҳудудларда амалга оширилаётган қуйидаги лойиҳалардан иборат: Маҳаллий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш дастури (МТҚД), “Бюджет комиссиялари”, “Халқ бюджети” ва “Халқ ташаббуси”.

РОССИЯДА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИ. МТҚД Россияда 2007 йилдан буён амалга оширилади ва Жаҳон банкининг энг яхши ижтимоий дастурларидан бири сифатида тан олинган. Ушбу амалиётнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: қишлоқ жойларига эътибор; умумий йиғилишларда устувор лойиҳаларни танлашда, лойиҳаларни амалга ошириш ва назорат қилишда фуқароларнинг бевосита иштироки; аниқ ҳисоб-китоб мезонларига асосланган танлов қўмитаси қарорлари асосида лойиҳаларни танлаш; лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш.

Ленинград, Вологда, Киров, Новгород вилоятлари, ХМАО-Югранинг бир қатор муниципалитетларида Санкт-Петербургдаги «Бюджет комиссиялари» «Сизнинг бюджетингиз» амалиёти Санкт-Петербургдаги Европа университети экспертлари томонидан ишлаб чиқилган. МТҚД дан фарқи ўлароқ, ушбу амалиёт фуқаролар томонидан лойиҳаларни биргаликда молиялаштиришни назарда тутмайди. Лойиҳалар муаллифлари иштирок этишидан манфаатдор бўлганлар орасидан қуръа ташлаш йўли билан танланган «бюджет комиссиялари» иштирокчилари (шаҳар ҳудудида 15–20 киши) муҳокама қилишади ва биргаликда қайси ечимларни биринчи ўринга қўйиш кераклигини аниқлайдилар.

“Халқ бюджети” ва “Халқ ташаббуси/ташаббуслари” — “Единая Россия” ҳамда “Общественный фронт” (ОНФ) сиёсий партиялари томонидан илгари сурилган. Афсуски, бу амалиётлар кейинги йилларда ривож топмади.

4

Партисипатор бюджетлаштириш ва вакиллик демократияси қандай ўзаро ҳамкорлик қилади?

Бюджет маблағларини сарфлашнинг устувор йўналишларини аниқлаш бюджет жараёни иштирокчилари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Одатда, ушбу масалалар билан турли даражадаги вакиллик ҳокимиятининг депутатлари шуғулланадилар. Бироқ, қонун чиқарувчилар эътиборидан четда қоладиган муаммолар ҳам мавжуд. Бу таъмирланмаган йўлнинг кичик қисми ёки жамоат транспорти тўхташ жойи каби масалалардан тортиб, ёритилмаган пиёдалар йўлаги ёки турар жой бинолари билан боғлиқ масалаларгача бўлиши мумкин. Айнан шу ҳолатда, муаммони умумий муҳомамага олиб чиқиш уни ҳал қилишнинг мақбул вариантыни топишга имкон беради. ПБ лойиҳалари фуқароларни ўйлантирган масалаларни ҳар томонлама кўриб чиқишга муҳим қўшимча ҳисобланади.

ПБ тўғридан-тўғри демократия механизмига асосланади, бунда фуқаролар бевосита умумий ва маҳаллий характердаги қарорлар ташаббусини илгари суради, қабул қилади ва бажарадилар. Парламент демократиясида қонунлар ва ҳукуматнинг асосий қарорларини қабул қилиш вакиллик органлари – депутатларга берилади. Фуқаролар бундай жамиятда билвосита, ўз вакилларига ўз манфаатларини ифода этиш ҳуқуқини бериб, катта қарорларни қабул қилишда қатнашадилар.

Қарор қабул қилишда оддий фуқароларнинг доимий бевосита иштирок этиши қийин бўлган жойда вакиллик ҳукумати муқаррар. Аммо, агар биз маҳаллий муаммолар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда маҳаллий қуйи бўғинда, онлайн овоз бериш билан онлайн мунозарани ҳисобга олмаганда, юзма-юз учрашув ташкил қилиш қийин эмас. Албатта, депутатлар фуқароларнинг ваколатларини давом эттирмоқдалар, аммо тажриба шуни кўрсатадики, ҳеч ким улар учун энг муҳим нарсани одамларнинг ўзидан яхшироқ билмайди.

Ҳар бир жой ўзига ҳос устуворликларга эга бўлади. Қаердадир бу экологик муаммолар, қаердадир маданият уйлари, бир жойда болалар майдончалари ёки сув таъминоти. Фақат маълум бир жойда яшаб, биринчи навбатда қандай масалаларни ҳал қилиш кераклигини "ич-ичидан" тушунишингиз мумкин.

Шундай қилиб, вакилли ва бевосита демократия механизмлари ҳалал бермасдан, бир-бирига кўмак бериб ҳамкорликда ишласа давлат ва муниципал бошқарув самарадорлиги ошади. Депутатлар вакили бўлган қонун чиқарувчи орган бюджет тўғрисидаги қонунни қабул қилади, юқори малакани ва бюджет жараёнини тушунишни талаб қиладиган техник жиҳатдан мураккаб ишларни амалга оширади, фуқаролар эса ўз эҳтиёжларини биринчи ўринга қўядилар, харажатларнинг биринчи навбатда қайси соҳалари бўлиши кераклиги тўғрисида ўз хоҳиш-истакларини билдирадилар.

ПБ механизмларини амалга оширишнинг энг муҳим натижаси нафақат инфратузилмани ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш, балки аҳоли пунктларида ижтимоий ва инсон капиталини ривожлантиришдир. Бюджет жараёнида бевосита иштирок этиш орқали фуқаролар ижтимоий ўзгаришларнинг иштирокчиларига айланишади. Ушбу билвосита ва ўлчаш мураккаб бўлган таъсири ҳудудни ривожлантириш учун ҳаракатлантирувчи омил бўлиши мумкин.

ПБ атрофдаги муҳитни ўзгартиришда иштирок этишни истаган энг фаол аҳолини аниқлаш ва бир-бири билан таништиришга имкон беради. Биргаликда ишлаш, турли хил лойиҳаларни муҳокама қилишда иштирокчилар ҳақиқий муаммоларни муҳокама қилишда мулоқот қилиш қобилиятларини ривожлантирадилар, баҳсли масалаларга умумий ечим излашни ўрганадилар. Ушбу жараёнда ижтимоий капиталнинг энг муҳим таркибий қисмлари: ижтимоий алоқалар ва ишонч шаклланади. Бунда ишонч нафақат турли хил фуқаролар ўртасида, балки фуқаролар ва маҳаллий амалдорлар ўртасида ҳам пайдо бўлади – бунга бошқа йўл билан эришиш деярли имконсиз.

Бундан ташқари, иштирокчилар давлат ва муниципал бошқарув жараёнлари тўғрисидаги билимларни, лойиҳаларни муҳокама қилиш, ишлаб чиқиш, тақдим этиш ва ҳимоя қилиш маҳоратини ўзлаштириш орқали инсон капитални даражасини оширадилар, шунингдек давлат идоралари билан ўзаро алоқаларда тажриба орттирадилар. Амалдорлар эса, ўз навбатида, аҳолининг эҳтиёжларини тармоқлар кесимида ёки шикоятлар шаклида эмас, балки асосли конструктив таклифлар шаклида кўришни ўрганадилар.

Шундай қилиб, нафақат объектлар, балки ҳамкорликда ишлаш ва мураккаб вазибаларни ҳал қилишга тайёр, мустақил равишда лойиҳаларни яратиш, ҳудудни ривожлантириш учун янги (ва кўпинча ноёб) ресурсларни аниқлаш, шакллантириш ва ривожлантириш ваколатига эга бўлган жамоатчилик яратилади.

Одатий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдан фарқли ўлароқ (масалан, йўл, истироҳат боғи, ўйин майдончасини қуриш, маданият марказини таъмирлаш), партисипатор бюджетлаштириш лойиҳаларини амалга оширишда қўшимча ижтимоий самаралар юзага келади:

Аҳоли пунктларининг энг кескин ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш. Агар маҳаллий аҳоли билан мулоқот ўрнатилса, ҳукумат учун долзарб бўлиб кўринмаган лекин ечими фуқаролар учун жуда муҳим бўлган масалаларга оидинлик киритиш мумкин бўлади.

Лойиҳани яратиш тартибининг максимал шаффофлиги ва уни амалга ошириш жараёнида ҳақиқий жамоатчилик назорати туфайли коррупция минималлашади. Устувор йўналишларни танлаш ва лойиҳани амалга ошириш маҳаллий аҳолининг бевосита иштирокида ўтказилганлиги сабабли, ПБ доирасида пул маблағларини

Ўзлаштириб олиш қийин. Бюджетлаштиришдан тортиб, пудратчидан ишни қабул қилиб олишгача бўлган барча босқичларда фуқаролар лойиҳада фаол иштирок этиб, жамоатчилик назоратини амалга оширадилар.

Ҳукумат, бизнес ва аҳолининг ҳамкорликдаги фаолияти кучаяди, аҳоли ва бизнес томонидан биргаликда молиялаштиришни назарда тутадиган умумий иштирок ва жавобгарлик шаклланади. Лойиҳани амалга ошириш учун ҳаттоки минимал маблағнинг киритилиши жамоатчилик ишларида масъулият билан ёндашувни назарда тутаети, лойиҳани амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг фаоллигини оширади.

Фуқароларнинг ўз фаолиятини ўзи ташкил этишга интилиши рағбат топади ва боқимандалик кайфияти пасаяди. Жараёнларда иштирок этган ҳолда фуқаролар ўз ҳаракатларининг амалий натижасини кўрадилар, ўзларининг атрофларидаги ҳаётни ўзгартириш имкониятига ишона бошлайдилар.

Аҳоли ва ҳокимият органлари ўртасидаги конструктив мулоқот орқали аҳолининг ҳокимият фаолиятига бўлган ишончи ортиб боради. Бу самара эса фуқароларнинг бюджет маблағлари қандай сарф қилинишига гувоҳ бўлишлари ва ҳукумат ўз фуқароларини тинглашларини кўришлари мумкин.

6

Партисипатор бюджетлаштиришнинг иқтисодий самаралари нималардан иборат?

Агар ПБни амалга оширишнинг бевосита натижалари қурилган ёки таъмирланган инфратузилма объектлари деб ҳисобланиши керак бўлса, унда лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга келадиган бир қатор натижалар қўшимча равишда иқтисодий самаралар деб номланса, тўғри бўлади. Улар орасида қуйидагилар мавжуд:

Лойиҳалар қийматини пасайтириш, бюджет маблағларини сарфлаш самарадорлигини ошириш. Амалиёт шуни кўрсатадики, ПБ орқали амалга ошириладиган лойиҳаларнинг қиймати фуқароларнинг иштирокисиз амалга оширилган лойиҳаларга қараганда анча паст. Маҳаллий аҳолига ўз жамоатчилики муаммосини бевосита ҳал қилиш имконияти камдан-кам таъминланганлиги сабабли, улар ушбу имкониятдан максимал даражада фойдаланишга ва пулни тежамли, аммо самарали сарфлашга ҳаракат қилишади.

Жамоатчилик назорати орқали бажариладиган ишларнинг сифатини ошириш. У ёки бу лойиҳага овоз берган, хусусан биргаликда молиялаштиришда ўз ҳиссасини қўшган (ҳаттоки озгина бўлса ҳам) маҳаллий аҳоли лойиҳанинг сифатли амалга оширилишидан манфаатдор. Аниқ мисоллар, фуқароларнинг пудрат ташкилотлари назорати доирасида йўллар қурилганда асфалтнинг кенглиги ва қазилган хандақларнинг чуқурлигини мустақил равишда қандай ўлчашларини, аниқланган қоидабузарликларни тузатишни талаб қилишларини кўрсатади.

Объектларнинг хизмат кўрсатиш муддатини кўпайтириш. У ёки бу лойиҳани танлаб, маҳаллий аҳоли нафақат унинг амалга оширилишига қизиқиш билдиришади, балки уни яратишда фаол иштирокчилар сифатида қатнашадилар. "Умумий – демак ҳеч кимга тегишли эмас" деган муносабат мулк эгасининг инфратузилма объектларига муносабати билан алмаштирилади ва бузғунчилик минималлашади. Масалан, Ленинград вилояти "Сосновый Бор" шаҳрида фуқароларнинг ўзлари лойиҳа доирасида яратилган ўйин майдончасига қараш учун жамоат патрулини ташкил этишди.

Лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш – жамоатчилик молиясини ривожлантириш учун муҳим манба ҳисобланади. Шу билан бирга, жалб қилинган маблағлар ҳажми эмас, балки фуқароларнинг лойиҳаларда пул билан иштирок этишлари муҳим аҳамиятга эга. Кичкина бўлса-да, лекин шахсий пул ҳиссасини қўшган киши, ҳал этилаётган муаммоларга дахлдорликни ҳис қилади.

Аҳолининг бюджет саводхонлиги даражасини ошириш, бу фуқароларга бюджет қарорларини қабул қилишда иштирок этиш имкониятини беради. Бюджет қарорларида иштирок этиш масъулиятли фуқарони шакллантиришнинг энг муҳим шартидир.

7

Маҳаллий бюджетнинг қандай қисми ПБ механизми орқали тақсимланади?

Порту Алегре шаҳрида баъзи йилларда шаҳар бюджетининг 40 фоизгача бўлган қисми ПБ амалиёти ёрдамида тақсимланган. Ўртача ҳар йили ПБ лойиҳаларига камида 10 фоиз ажратилган. Энг нуфузли халқаро экспертлардан бири Ива Кабаннинг сўзларига кўра, бюджетдан бир кишига ажратиладиган маблағ миқдори 10 еврога тенг бўлганида, фуқароларни бюджет қарорларига жалб қилиш амалиётининг таъсири барқарор бўлиб қолади. Жаҳон амалиётида аҳоли жон бошига партисипатор бюджетлаштиришнинг миқдори 1 евродан (ёки ундан паст) 150 еврогача ўзгариб туради.

Шуни эсда тутиш керакки, ПБни қўллашнинг асосий йўналиши маҳаллий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал қилишдир. ПБ лойиҳаларининг қиймати инвестиция лойиҳаларининг нархидан сезиларли даражада паст.

2021 йил январь ойида Россия Федерациясида ташаббусли бюджетлаштириш тўғрисида қонун кучга кирди. Шу билан бирга, Россия Федерацияси Президентининг ҳукуматга берган топшириғига биноан фуқароларнинг фикри ҳисобга олинган ҳолда сарфланган маҳаллий бюджет маблағлари улушини 5 фоизга етказиш бўйича иш бошланди.

Ташаббусли бюджетлаштириш лойиҳалари бюджетларининг 60 фоизга яқини субсидия шаклида ажратилган минтақавий маблағлардир. Маҳаллий муаммоларни ҳал қилиш учун ажратилган федерал бюджет маблағлари сезиларли даражада камроқ – 15 фоизгача.

Лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат маблағлари билан бир қаторда маблағлар муниципалитетлардан (лойиҳалар нархининг 15 фоизгача), фуқаролар ва корхоналардан (10 фоизгача) жалб қилинади.

Россиянинг ташаббусли бюджетлаштириш амалиётининг аксарият қисмида федерал бюджетдан юқори даражадаги субсидиялар учун лимитлар киритилган. Шаҳарларда бу 2 дан 5 миллион рублгача, қишлоқлар учун 1–2 миллион рубль.

8

Фуқароларнинг партисипатор бюджетлаштиришдаги иштирок этиш механизми қандай?

Фуқароларнинг бюджет қарорларида иштирок этиш механизми - бу бюджет маблағлари ҳисобидан фуқароларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилиш мотивациясига асосланган жараёнлар комплекси. Улардан асосийларини келтириб ўтаемиз:

Муайян аҳоли пунктлари ҳудудида яшовчи барча фуқаролар ғояларни шакллантиришда ва бюджет маблағларини сарфлашнинг устувор йўналишларини танлашда қатнашадилар. Россия Федерациясида, аҳолиси унчалик кўп бўлмаган қишлоқ аҳоли пунктларида, маҳаллий аҳолининг аксариятини йиғиб, юзма-юз йиғилишлар ўтказилади. Кўплаб хориж мамлакатларида, айниқса йирик шаҳарларда фуқароларни юзма-юз учрашувда иштирок этишини таъминлаш имкони йўқ, масофавий иштирок этиш каналлари – телефон ва Интернет фаол қўлланилади ва улар орқали фуқаролар ўйдан чиқмасдан жамоатчилик муаммоларини муҳокама қилишлари мумкин. Ушбу шакл Covid-19 эпидемияси пайтида айниқса долзарб бўлиб қолди. Кенг қўламли иштирокни таъминлаш учун камроқ тарқалган бошқа каналлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, Бостондаги ПБ ёшлар лойиҳаси доирасида ўспиринларнинг ғояларини тўплаш улар кўп бўладиган жойларда: мактабларда, боғларда, супермаркетларда, транспорт марказларида амалга оширилди. Польшанинг Сопот шаҳрида фуқаролардан сайлов участкаларида лойиҳалар учун овоз беришни сўрашди. Кўчма овоз бериш участкалари Бразилиянинг Бело-Оризонти шаҳрида фаолият юритди.

Бюджет харажатларининг устувор йўналишлари бюджет бўйича комиссия йиғилишларида аниқланади. Йирик аҳоли пунктларида умумий жалб қилишни ташкиллаштириш етарли даражада меҳнат талаб қиладиган амалиёт ҳисобланади ва жараёнлар демократик тарзда ўтказилишини қуръа ташлаш йўли билан таъминлаш мумкин. Санкт-Петербургдаги Европа университети амалиёти қўйидагиларни назарда тутди: ахборот кампаниясини ўтказиш; қуръа ташлашда иштирок этишни истаганлар "Бюджет комиссияси" таркибида қатнашиш учун ариза юборадилар; белгиланган кунда фуқаролар ва оммавий ахборот воситалари иштирокида қуръа ташлаш маросими очиқ ўтказилади; шу тарзда тузилган "Бюджет комиссияси" лойиҳаларни танлаш бўйича қўшимча иш олиб боради.

Жамоатчилик делегатларидан иборат комиссия бюджет харажатларини тақсимлашда иштирок этади. Ушбу тартиб бугунги кунда амалда қўлланилмаяпти, аммо ПБ биринчи бўлиб Порту-Алегрида пайдо бўлганида, айнан шу шаклда амалга оширилган: шаҳар миқёсидаги бюджет комиссиясига ҳар бир ҳудуддан сайланган вакиллар кирган.

9

Партиписатор бюджетлаштириш орқали амалга ошириш мумкин бўлган тадбирларнинг максимал қиймати қанча?

Партиписатор бюджетлаштириш учун ажратиладиган маблағларнинг миқдори лойиҳаларнинг ўзига хослиги ва тадбиқ қилинаётган соҳага боғлиқ. Шулардан бири ПБнинг бир ўзига ҳос бир тури Перуда амалга оширилган бўлиб, бунда ташкилотчилар томонидан туманлар ўртасида юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ муаммоларни ечишга қаратилган. Одатда, буларга йўлларнинг сифати, кўприклар, ва бошқа инфратузилма объектлари киради. Ушбу лойиҳаларнинг амалга ошириш умумий қиймати сезиларли даражада юқори бўлиб, камида 1 миллион АҚШ долларни ташкил этади.

Россия Федерациясида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ўртача қиймати бир миллион юз минг рублни ташкил этади. Сахалин вилоятидаги ТБ амалиётларини амалга ошириш қиймати 2018-2020 йилларда 300 млн. рублни ташкил этиши мумкин эди. Бунда, аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи фуқаролар жамоат инфратузилмасининг йирик объектларини: болалар боғчалари, мактаблар ва сув таъминоти объектларини таклиф сифатида киритишлари ҳамда уларни пайдо бўлишига заруриятни муҳофаза қилишлари мумкин. Мазкур лойиҳани, Россия Федерациясида келгусида ривожлантирилмаган кенг қўламли ТБ лойиҳаларини молиялаштиришнинг ягона бир мисоли сифатида келтириш мумкин.



II. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИЛАДИГАН БЮДЖЕТ ДОИРАСИДА ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

10

Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари Ўзбекистон Республикасининг қайси ҳукумат ҳужжатларида белгиланган?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги ПҚ-3917-сон “Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 2019 йилдан бошлаб бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар) лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизм жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида фуқароларнинг иштирок этиш механизми янада такомиллаштирилди. Бунда:

- **2021 йил 1 июлдан** бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини **10 фоиздан 30 фоизга** ошириш;
- фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштирокини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган. 2021 йилда вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг танлаб олинган тумани (шаҳри) да эксперимент тариқасида танлаб олинган туман (шаҳар)лар бюджетларининг тасдиқланган харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга ажратиш ҳамда тақсимлаш назарда тутилган;
- Мазкур Қарорга мувофиқ туман (шаҳар)лар рўйхати тасдиқланди, унга кўра 2021 йил майдан бошлаб бюджет харажатларининг 5 фоизи жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган бюджет лойиҳаларини (кейинги ўринларда – ЖФШБ лойиҳалари) молиялаштиришга йўналтирилади. Ушбу мақсадлар учун танлаб олинган туман (шаҳар)лар бюджетларига қўшимча равишда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан 92,7 миллиард сўм маблағ ажратилди. ЖФШБ

лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар туман (шаҳар) лар ҳокимликларида очиладиган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади. Ҳисобварақда жамланган маблағлар фақат ЖФШБ лойиҳаларини молиялаштириш учунгина сарфланади.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари ЖФШБ лойиҳаларини ҳар бир туман ва шаҳар ҳусусиятидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) лар бюджет маблағларини йўналтириш тартибини тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида намунавий низом қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, шунингдек вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш учун маблағларни ўз вақтида ажратиш ва тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан маълумот бериш учун шахсий жавобгарлик юклатилди.

11

“Очиқ бюджет” нима? Ва бу жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган бюджет лойиҳалари билан қандай таққосланади?

Очиқ бюджет – бу фуқароларнинг турли даражадаги бюджетлар тўғрисида тушунишлари учун мавжуд бўлган маълумотларни шакллантиришга қаратилган давлат сиёсати. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2018 йилдан буён бюджет маълумотларининг очиқлиги жараёнини фаол ривожлантирмоқда. Шу мақсадда:

- Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаларини жойлаштиришни назарда тутувчи “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилди;
- “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри доимий равишда нашр этилмоқда. Ҳозирги кунда, 2018, 2019, 2020 ва 2021 йиллар учун мўлжалланган Давлат бюджети параметрларига бағишланган “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри шунингдек, 2019 йил учун Тошкент вилояти бўйича ҳам “Фуқаролар учун бюджет” нашр этилган. Ахборот нашрининг шакли бюджет маълумотларини инфографика ва жадваллар кўринишида, кенг аудитория учун қулай ва тушунарли (барча фуқаролар учун) тақдим этишга мўлжалланган;
- бюджет маълумотларини тарқатиш каналлари, шунингдек бюджет жараёнига жамоатчиликни жалб қилиш (бюджет маълумотларини Молия вазирлигининг расмий веб-сайти ва телеграм каналида жойлаштириш, тематик семинарлар ва давра суҳбатларини ташкил этиш, теле кўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда Молия вазирлиги вакилларининг иштироки, оммавий ахборот воситаларида нашрлар тайёрлаш);

- бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш меъёрлари қонунчилик билан мустақамланди. 2019 йилдан бошлаб вазирликлар ва идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳар чорақда ўзларининг расмий веб-сайтларида ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимоти; даврий молиявий ҳисоботлар; капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси; давлат мақсадли жамғармаларидан субсидиялар ва кредит олувчилари; ўтказилган танловлар (тендерлар) ва амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради.
- 2019 йилдан бошлаб (2022 йил 1 июлдан бошлаб эса – камида 30 фоиз) бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман (шаҳар) лар бюджетлари қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизми жорий этилди. Фуқаролар “Очиқ бюджет” ахборот порталида таклифларни киритиш ва овоз бериш орқали ўзларининг фикрига кўра, маҳаллий бюджетлар маблағларининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштиришга йўналтириш керак бўлган тадбирларни аниқлайдилар. Мазкур механизм фуқароларни давлат молиясини бошқаришга жалб қилишда амалий инструмент ҳамда энг қулай бўлганда “Очиқ бюджет” портали орқали илгари сурилган ғояларни амалга оширишда муҳим ҳисобланади. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бюджет тўғрисидаги маълумотларга нафақат миллий даражада, балки маҳаллий даражада (муҳим ҳисобланувчи) ҳам талаб юқори эканлигини кўрсатади.

12

Лойиҳаларни тақдим этиш ва амалга ошириш алгоритми қандай?

Вояга етган барча Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва бошқа масалаларни ҳал қилишга қаратилган бюджетни жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни илгари суриш ҳуқуқига эгалар.

Таклифларни қолдириш учун ЖФШБ лойиҳаси ташаббускори “Очиқ бюджет” порталида (openbudget.uz) рўйхатдан ўтказилади.

Кейинги қадам “Очиқ бюджет” порталида онлайн шаклни тўлдириб, лойиҳа учун таклиф қолдириш бўлади. Бундан сўнг:

- тақдим этилган лойиҳалар бўйича барча таклифлар Ишчи комиссия томонидан тасдиқланган мезонларга мувофиқлиги бўйича текширилади. Лойиҳа шахсий манфаатларни (автомобиль ёки уй сотиб олиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар) ҳал қилиш имкониятини истисно қиладиган ва 1 млрд. сўмдан ошмайдиган (базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 минг баробаридан ошмайдиган) жамоавий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак. Барча лойиҳалар бўйича ҳокимият томонидан ҳам иқтисодий ва техник экспертизадан ўтказилади;

- Тасдиқланган мезонлар талабларига жавоб берадиган ҳамда иқтисодий ва техник экспертизадан ўтган лойиҳалар овоз бериш учун “Очиқ бюджет” порталига жойлаштирилади (қўйилади). Бир танлов цикли давомида фуқаро битта лойиҳа учун фақатгина 1 марта овоз бериш ҳуқуқига эга;
- овоз бериш натижаларига кўра ҳар бир туманда энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар ғолиб деб топилди. Лойиҳалар юқоридан пастга қараб улар учун берилган овозлар сонига қараб танланади. Ҳар бир туман (шаҳар) да бир нечта лойиҳалар ғолиб деб эълон қилиниши мумкин. Ғолиб деб топилган лойиҳаларнинг умумий қиймати “Фуқаролар ташаббуслари жамғармаси”нинг тегишли туман (шаҳар) даги ҳисобварақларидаги маблағлар миқдоридан ошмаслиги керак;
- овоз бериш натижаларига кўра Ишчи комиссия ғолиб деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисида қарор (фармойиш) лойиҳасини тайёрлайди. Ғолиб деб топилган лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағ ажратиш тўғрисидаги қарорни (фармойишни) халқ депутатлари Кенгашлари тасдиқлайди;
- туман (шаҳар) лар ҳокимликлари ғолиб деб топилган лойиҳаларни эълон қилади ва уларни амалга оширишни бошлайди;
- лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида туман (шаҳар) лар ҳокимият томонидан ҳар ойда уларни амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар ва натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар ОАВда эълон қилиб борилади;
- ҳар чорак якунида ЖФШБ лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тақдим этилади. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши ЖФШБ лойиҳаларини молиялаштиришга ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

13

Ишчи комиссия таркибига кимлар киради?

ЖФШБ лойиҳаларини шакллантириш, баҳолаш, танлаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш бўйича Ишчи Комиссия таркибига туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашининг депутатлари, маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари, шунингдек нодавлат ноτιжорат ташкилотлари киради. Комиссия таркиби тегишли вилоят (шаҳар) халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

14

Лойиҳа ғояси пайдо бўлган пайдан бошлаб уни амалга ошириш учун қанча вақт кетади?

ЖФШБ лойиҳаларини қабул қилиш февраль ва июль ойларида амалга оширилади. Лойиҳани амалга ошириш муддати олти ойдан бир йилгача. Ушбу вақт ичида қуйидагилар амалга оширилади:

- лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- аҳоли учун ахборот кампанияси;

- фуқароларга, фуқароларнинг ташаббусли гуруҳларига ва бошқа иштирокчиларга маслаҳат бериш;
- белгиланган мезонларга мувофиқлигини текшириш, амалга оширилиш имконияти баҳоланадиган лойиҳаларнинг иқтисодий ва техник экспертизасини ўтказиш;
- сайтдаги умумий овоз бериш рўйхатига лойиҳаларни киритиш;
- илгари сурилган лойиҳалар учун сайтда овоз бериш;
- овозни қўлга киритган лойиҳаларни амалга ошириш учун “Фуқаролар ташаббуслари жамғармаси” дан маблағ ажратиш;
- лойиҳаларни амалга ошириш;
- лойиҳаларни амалга оширишда жамоатчилик назорати ва фуқароларнинг иштироки;
- янги объектларнинг тантанали очилиши.

15 Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган бюджет лойиҳаларини амалга ошириш учун Интернет-платформанинг аҳамияти қандай?

“Очиқ бюджет” ахборот порталида (www.openbudget.uz) ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш жараёни тўғрисида барча маълумотларни тўплаш учун мўлжалланган “Ташаббусли бюджет” кичик панели мавжуд. Порталнинг асосий функциялари – ЖФШБ лойиҳаларини бошқариш ва улар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилиш. Хусусан:

- ЖФШБ лойиҳалари бўйича таклифларни қабул қилиш. Тақдим этилган лойиҳалар бўйича таклифлар барча аҳоли кўриши учун мавжуд;
- оммавий овоз бериш учун таклиф киритилган лойиҳалар рўйхатини жойлаштириш. Оммавий овоз бериш потенциал фойда олувчилар сонининг билвосита кўрсаткичидир.
- оммавий овоз бериш натижаларини – ғолиб деб топилган лойиҳалар рўйхатини эълон қилиш;
- ЖФШБ лойиҳаларини амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш. “Очиқ бюджет” порталида лойиҳанинг параметрлари – ҳудудий қамрови, маблағ ажратилиши мумкин бўлган объектларнинг типологияси, молиялаштириш ҳажми, босқичлари ва муддатлари, бажарилган лойиҳаларнинг намуналари – “аввалги” ва “кейинги” фотосуратлар, лойиҳа-смета ҳужжатлари ва кенг жамоатчилик учун бошқа фойдали маълумотлар.

16 Менда амалга ошириш учун лойиҳа ғояси бор. Бунинг учун нима қилишим зарур?

Ўз ғоянғизни амалга ошириш учун сиз ташаббусли гүрүхни түзишинғиз ёки “Open Budget” порталида рўйхатдан ўтишинғиз ва ўзинғизнинг ғоянғизга (лойиҳанғизга) мурожаат қилишинғиз керак. Зарур ҳолларда, маслаҳат олиш учун сиз ҳоқимиятга, маҳалла қўмитасига мурожаат қилишинғиз ёки “Очиқ бюджет” порталидаги маълумотларни ўрганиб чиқишинғиз мўмкин. Бундан сўнғ, юқоридаги алгоритмга таяниб иш кўришинғиз лозим.

17 Овоз бериш натижаларига кўра, ғолиб деб топилган лойиҳани нима кўтади?

Порталдаги лойиҳалар бўйича овоз бериш натижаларини сарҳисоб қилган Ишчи комиссиянинг қарори асосида туман (шаҳар) лар ҳоқимликлари фуқароларнинг овоз беришлари натижасида танланган лойиҳаларда белгиланган ишларни бажариш учун танлов ўтказиш жараёнларини ташкиллаштиради. Иш пудратчиларининг танлови Ўзбекистон Республикаси қонунчилиғига мувофиқ амалга оширилади.

Лойиҳани танлаган ва уни ишлаб чиқишда иштирок этган фуқаролар ҳам лойиҳанинғ амалга оширилиши ва амалга оширилишини назорат қилишда фаол иштирок этадилар.

18 Лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий ҳоқимият органларининг аҳамияти қандай?

Маҳаллий ҳоқимият органлари номидан ҳоқим ва ҳоқимият ходимлари жойларда олиб бориладиган жараёнларнинг ташкилотчиси ҳамда барча жараёнларнинг қонунийлиғи учун кафил ҳисобланади.

Маҳаллий ҳоқимият органларининг қуйидагиларга жавобгар:

- саралаш цикли бошланиши тўғрисида қарор қабул қилиш ҳамда аҳолини ҳабардор қилиш;
- фуқаролар томонидан тақдим этилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий экспертизасини ўтказиш;
- лойиҳаларни амалга ошириш учун “Фуқаролар ташаббуслари жамғармаси” ҳисобварағида маблағларни жамлаш;
- пудратчини танлаш бўйича танлов жараёнларини эълон қилади ва ўтказиш;
- пудратчи ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, ишларнинг боришини назорат қилиш, тақрорий тендер жараёнларини ташкил этиш;
- ғолиб деб топилган ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишлар тўғрисида жамоатчиликни ҳабардор қилиш (ҳар чорак натижаларига кўра, фуқароларнинг лойиҳаларини молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларни ўзларининг расмий веб-сайтларида ва “Очиқ бюджет” порталида жойлаштирадилар);
- пудратчидан ишни қабул қилишни амалга ошириш.

19

Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган бюджет лойиҳалари орқали қандай тадбирларни амалга ошириш мумкин?

ЖФШБ лойиҳалари орқали амалга ошириладиган барча тадбирлар туман (шаҳар) лар маҳаллий органларнинг ваколати доирасида бўлиши керак. Булар жамоат инфратузилмаси (йўлларни қуриш ва таъмирлаш, сув таъминоти, дам олиш масканларини ва бошқа моддий объектларни ташкил этиш билан боғлиқ) масалаларини ҳал қилишга имкон беради. Шу билан бирга, объектларнинг типологияси маҳаллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда турли вилоятлар ва туманларда фарқ қилиши мумкин.

ЖФШБ лойиҳаларининг қиймати чекланганлиги сабабли, ушбу механизм доирасида йирик лойиҳалар: кўприклар, мактаблар, касалхоналар, стадионлар ташкил этилиши мумкин эмас.

ЖФШБ лойиҳалари давлат ерларида амалга оширилади ва хусусий шахсларга тегишли ерларда яратилиши мумкин эмас. Агар лойиҳа мавжуд биноларни таъмирлашни назарда тутадиган бўлса, ушбу объектлар ҳам жисмоний шахсларга тегишли бўлмаслиги керак. Лойиҳалар амалга оширилгандан сўнг, улар давлат мулкига айланади, аммо фойдаланиш учун хусусий компанияларга берилиши мумкин.

20

Фуқаролар таклиф киритиши мумкин бўлган лойиҳанинг максимал қиймати қандай?

Фуқаролар ёки ташаббусли гуруҳлар томонидан илгари сурилган лойиҳанинг умумий қиймати **1 млрд. сўмдан** (базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 минг баробаридан) ошмаслиги керак.

21

Жамоат ташкилотлари лойиҳалар бўйича ташаббус кирита оладими?

ЖФШБ лойиҳаларини амалга ошириш технологияси шундан иборатки, ҳар қандай лойиҳанинг ғояси (албатта, унинг муаллифи бор) жамоатчилик томонидан, овоз бериш жараёнида аҳолининг аксарияти томонидан қўллаб-қувватланиши керак.

Ташкилотчилар турли аҳоли жамоаларидан ташаббусларни илгари суриш имкониятини беради. Ташаббускорлар ҳам фуқаролар, ҳам ижтимоий белги бўйича бирлашган фуқаролар гуруҳлари бўлиши мумкин: ногиронлар ва уларнинг оилалари, фахрийлар, болалар ёки ёшлар ташкилотлари.

Муҳим жиҳат: лойиҳани киритиш учун фуқаролар гуруҳи юридик рўйхатдан ўтказилиши шарт эмас (юридик шахс ва банкда ҳисоб рақамига эга бўлиши), аммо бу шарт чиқариб ташланмайди. Шаҳар ва қишлоқ лойиҳалари учун шунга ўхшаш таклифларни киритиш бўйича қоидалар қўлланилади.



III. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИЛАДИГАН БЮДЖЕТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШДА КЎМАКЛАШИШ

22

Лойиҳаларни ташкиллаштиришда ким ёрдам кўрсатиши мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бюджет ва солиқ тадқиқотлари институти ва Молия вазирлигининг Ўқув марказини ЖФШБ лойиҳаларини жойлаштириш бўйича тайёргарлик тадбирларини амалга ошириш учун масъул этиб тайинлади.

Ушбу соҳада тажриба ва малакага эга бўлган халқаро ташкилотларнинг маслаҳатчилари ва мутахассислари (БМТнинг Тараққиёт Дастури ва бошқалар) фуқаролар ташаббуси лойиҳаларини ташкил этишда ёрдам беришлари мумкин. Шунингдек, ёрдамни халқаро маслаҳатчилар – Россия Молия вазирлиги Илмий-тадқиқот молия институти ташаббуси билан бюджетлаштириш маркази ходимлари, Россия Федерациясининг турли таркибий тузилмаларидан лойиҳа марказлари кўрсатиши мумкин.

Кейинги йилларда фуқаролар томонидан таклиф киритилган лойиҳаларни амалга оширишда амалий тажриба тўплаган ҳудудлардан келган маслаҳатчилар ушбу ташаббусларни амалга оширишни бошлаган янги ҳудудларнинг ёрдамчиларига айланадилар.

23

Лойиҳани амалга ошириш имконияти тўғрисида фуқароларни қандай хабардор қилиш мумкин?

Партисипатор бюджет – бу одамлар билан тушунарли тилда доимо олиб бориладиган очиқ мулоқот бўлиб, унда фуқароларнинг барча ижтимоий гуруҳлари иштирок этиши таъминланади. ЖФШБ лойиҳаларини ишга тушириш ва амалга ошириш жараёнида маълумот бериш, ижтимоий гуруҳлар мақсадли аудиторияга айланади ҳамда жалб қилиш жараёни эса кўпроқ реклама кампаниясини эслатади. Бу масалада амалдорларга маркетинг, овоз бериш кампаниялари ҳамда ижтимоий реклама воситалари ва тажрибаси кўмак беради. Бюджет масалаларини муҳокама қилиш шаҳар ҳаётининг ажралмас

қисми бўлиб улгурди ҳамда бу бутун дунёда содир бўлмоқда. Ташкилотчилар бу бир марталиқ акция эмаслигини, балки турли аудиторияларда – ўқитиш, таълим, тарғибот, фуқароларни хабардор қилиш, ижтимоий реклама ва янги медиа орқали иштирок этишга бўлган манфаатдорликни шакллантириш ва ундаш бўйича тадбирлар мажмуаси эканлигини тушунишлари муҳим ҳисобланади.

Фуқароларни хабардор қилишга қуйидагилар киради:

- ЖФШБ лойиҳаларини илгари сүриш амалиёти ва уни амалга ошириш тўғрисидаги батафсил маълумотларни тарқатиш;
- иштирокчиларга ЖФШБ лойиҳаларини амалга оширишда ёрдам бериш учун кўнгиллиларни жалб этиш;
- расмий Интернет-ресурслар, ОАВ, ижтимоий тармоқлар, реклама воситалари билан ишлаш.

Ахборот стандарти бўлиб, ОАВда пресс-релизларни, ҳукумат органлари расмий порталларида эълонлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жойлаштириш, расмий ОАВда баённома ёзувлари ҳамда ҳокимият раҳбарлари ва ходимлари билан тушунтириш ишларини тарқатиш ҳисобланади.

Ҳозирги замонавий дунёда энг катта рақобат инсон эътиборига қаратилган. Ёрқин визуал тасвирли, эсда қоларли ҳамда “гапирадиган” номга эга бўлмасдан ҳозирги тўла-тўқис ахборот медиаоқимда муваффақиятли мулоқот қуриш ва юзага чиқишни имкони йўқ. Шунинг учун, маълумотлар нафақат семинарлар, йиғилишлар ёки анъанавий ОАВ орқали, балки онлайн – графикалар, анимация, видео, аудио, ижтимоий тармоқлар орқали ҳам кенг тарқатилиши керак.

24 Партисипатор бюджетлаштириш тўғрисида батафсил маълумот олиш учун қандай китоблар, мақолалар, веб-сайтларни билиш керак?

Жаҳон тажрибаси «Hope for democracy. 30 years of participatory budgeting worldwide» китобида батафсил келтирилган ҳамда рус тилида ҳам нашр этилган. Нашр фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этиш амалиётини амалга ошириш бўйича 30 йиллик тажрибага бағишланган бўлиб, унда Россияда ташаббусли бюджетни ривожлантириш бўйича боб мавжуд.

Нашрнинг электрон версияси билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин

 <https://www.oficina.org.pt/hopefordemocracy.html>.

Дунёда амалга оширилган ПБ лойиҳалари тўғрисида муҳим маълумотлар халқаро ташкилот GlobalPBHub веб-сайтида ҳам мавжуд

 <https://www.participatorybudgeting.org/what-is-pb/>.

Ташаббусли бюджетлаштиришнинг илғор амалиётлари тўғрисидаги асосий маълумотлар Россия Федерацияси ва муниципал ҳудудлар субъектларида ташаббусли бюджетлаштиришни ривожлантиришнинг илғор амалиётлари тўғрисидаги йиллик ҳисоботда келтирилган.



[https://minfin.gov.ru/ru/document/?id_4=128384-doklad_o_luchshei
praktike_razvitiya_initsiativnogo_byudzhetrovaniya_v_subektakh_rossiiskoi
federatsii_i_munitsipalnykh_obrazovaniyakh.](https://minfin.gov.ru/ru/document/?id_4=128384-doklad_o_luchshei_praktike_razvitiya_initsiativnogo_byudzhetrovaniya_v_subektakh_rossiiskoi_federatsii_i_munitsipalnykh_obrazovaniyakh)

Янгиликларни Facebook ижтимоий тармоғидаги “Ташаббусли
бюджетлаштириш” саҳифаларида кузатиб боришингиз мумкин:



www.facebook.com/ParticipatoryBudgetingRussia/



vk.com/participatorybudgetingrussia



www.youtube.com/channel/UCqUNsyxdinkinWlgYtD5E0A